

ТАРМОҚ БОЗОРЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА
МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ




ТОВАР ВА МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ ДАЙЖЕСТИ


2025 йил январь-сентябрь

ТОВАР ВА МАҲСУЛОТЛАР


АРМАТУРА (минг т)




ЦЕМЕНТ (минг т)




БУҒДОЙ (ун ишлаб чиқариш) (минг т)




ДИЗЕЛЬ ЁҶИЛҒИСИ (минг т)



БЕНЗИН (минг т)




ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР (дона)



БОЗОРИНИНГ КОНЪЮКТУРАСИ


ГУРУЧ

(минг т)




ШАКАР

(ОҚ) (минг т)




ЎСИМЛИК ЁҒИ

(минг т)




СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ

(минг т)



ТИЖОРАТ ТЕХНИКАЛАРИ

(Махсус автотранспорт) (дона)



АСОСИЙ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ ҚИСҚА ШАРҲИ

Қурилиш арматураси. Тошкент шаҳар қурилиш материаллари бозорларида қурилиш арматураси ўртача нархи сентябрь ойида **1 тонна** учун **9 668 минг сўм**ни ташкил қилиб, август ойига нисбатан **0,2 фоизга** (20 минг сўм/т) ошган, йил бошига нисбатан **2 фоизга** (215 минг сўм/т) **ошган**.

Қурилиш арматураси истеъмоли 2025 йил сентябрь ойида **113 минг тонна**ни ташкил қилиб, 2025 йил август ойига нисбатан **6,3 фоизга** (6,7 т) **ошган**.

Истеъмолнинг **26 фоизи** (28,9 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **74 фоизи** (83,9 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Сентябрь ойида **29 минг тонна** қурилиш арматураси ишлаб чиқарилиб, август ойига нисбатан **18 фоизга** (6,5 минг т) камайган.

Қурилиш арматураси импорти сентябрь ойида **84 минг тонна**ни (48 млн долл.) ташкил қилиб, август ойига нисбатан **18 фоизга** (13 минг т) **ошган**.

Импортнинг 90 фоизи Қозоғистон (48 % ёки 39,3 минг т), Россия (24 % ёки 19,8 минг т), ва Эрон (18 % ёки 15,0 минг т) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, август-сентябрь ойларида экспорт амалга оширилмаган.

Гуруч. Тошкент шаҳар дехқон бозорларида гуруч ўртача нархи сентябрь ойида **1 тонна** учун **19 700 минг сўм**ни ташкил қилиб, август ойига нисбатан **3 фоизга** (520 минг сўм/т), йил бошига нисбатан **1,5 фоизга** (300 минг сўм/т) ошган.

Гуруч истеъмоли 2025 йил сентябрь ойида **24 минг тонна**ни ташкил қилиб, 2025 йил август ойига нисбатан **5 фоизга** (1,2 минг т) **ошган**.

Истеъмолнинг **89 фоизи** (22,1 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **11 фоизи** (2,6 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Сентябрь ойида **22 минг тонна** гуруч ишлаб чиқарилиб, август ойига (22,1 минг т) нисбатан ўзганмаган.

Гуруч импорти сентябрь ойида **2,6 минг тонна**ни (545 минг долл.) ташкил қилиб, август ойига нисбатан **2 бар.** га (1,4 минг т) **ошган**.

Импортнинг 98 фоизи ёки 2,5 минг тоннаси Қозоғистон давлатига тўғри келган.

Ўз навбатида, сентябрь ойида **0,4 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, август ойига нисбатан **2 бар.** га (0,2 минг т) **ошган**.

Шакар. Товар хом ашё биржасида шакар ўртача нархи сентябрь ойида **1 тонна** учун **12 863 минг сўм**ни ташкил қилиб, август ойига (12 858 минг сўм/т) нисбатан ўзгармаган, йил бошига нисбатан **5 фоизга** (597 минг сўм/т) **ошган**.

Шакар истеъмоли 2025 йил сентябрь ойида **395 минг тонна**ни ташкил қилиб, 2025 йил август ойига нисбатан **6 бар.**га (313 минг т) **ошган**.

Истеъмолнинг **4 фоизи** (14 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **86 фоизи** (381 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Сентябрь ойида **14 минг тонна** шакар ишлаб чиқарилиб, август ойига нисбатан **27 фоизга** (3 минг т) **ошган**.

Сентябрь ойида **381 минг тонна** (33,9 млн долл.) шакар импорт қилиниб, август ойига нисбатан **7 бар.** га (328 минг т) **ошган**.

Импорт 86 фоизи Россия (59 % ёки 29 минг т) ва Қозоғистон (27 % ёки 14 минг т) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

Ўз навбатида, август-сентябрь ойларида шакар экспорти амалга оширилмаган.

Цемент. Товар хом ашё биржасида цемент ўртача нархи сентябрь ойида **1 тонна** учун **656 минг сўм**ни ташкил қилиб, август ойига нисбатан **7 фоизга** (43 минг сўм/т), йил бошига нисбатан **35 фоизга** (171 минг сўм/т) **ошган**.

Цемент истеъмоли 2025 йил сентябрь ойида **2 687 минг тонна**ни ташкил этиб, 2025 йил август ойига нисбатан **1,4 фоизга** (38 минг т) **ошган**.

Истеъмолнинг **99,7 фоизи** (2 857 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **0,3 фоизи** (8 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Сентябрь ойида **2 858 минг тонна** цемент ишлаб чиқарилиб, август ойига нисбатан **2 фоизга** (65 минг т) **камайган**.

Цемент импорти сентябрь ойида **8 минг тоннани** (437 минг долл.) ташкил қилиб, август ойига нисбатан **29 фоизга** (3 минг т) камайган.

Импортнинг **93 фоизи** Қозоғистон (63 % ёки 5 минг т) ва Эрон (30 % ёки 2 минг т) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, сентябрь ойида **178 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, август ойига нисбатан **15 фоизга** (31 минг т) **камайган**.

Бензин. Товар хом ашё биржасида АИ-92 бензин ўртача нархи сентябрь ойида **1 тонна** учун **12 739 минг сўми** ташкил қилиб, август ойига (**12 735 минг сўм/т**) нисбатан ўзгармаган, йил бошига нисбатан **3 фоизга** (**355 минг сўм/т**) **ошган**.

Бензин (АИ-80, АИ-92, АИ-95) истеъмоли 2025 йил сентябрь ойида **188 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил август ойига нисбатан **54 фоизга** (66 минг т) **ошган**.

Истеъмолнинг **47 фоизи** (112 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **53 фоизи** (100 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Сентябрь ойида **112 минг тонна** бензин ишлаб чиқарилиб, август ойига нисбатан **10 фоизга** (10 минг т) **ошган**.

Бензин импорти сентябрь ойида **100 минг тоннани** (65,5 млн долл.) ташкил қилиб, август ойига нисбатан **1 бар.** га (52 минг т) **ошган**.

Импортнинг 98 фоизи Россия (80 % ёки 72 минг т) ва Қозоғистон (9 % ёки 8 минг т) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, сентябрь ойида **24 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, август ойига нисбатан **13 фоизга** (300 т) **камайган**.

Ўсимлик ёғи. Товар хом ашё биржасида ўсимлик ёғи ўртача нархи сентябрь ойида **1 тонна** учун **21 500 минг сўми** ташкил қилиб, август ойига нисбатан **4 фоизга** (900 минг сўм/т), йил бошига нисбатан **25 фоизга** (4 347 минг сўм/т) **ошган**.

Ўсимлик ёғи истеъмоли 2025 йил сентябрь ойида **83 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил август ойига нисбатан **26 фоизга** (17 минг т) **ошган**.

Истеъмолнинг **54 фоизи** (48 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **46 фоизи** (38 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Сентябрь ойида **48 минг тонна** ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилиб, август ойига нисбатан **88 фоизга** (22 минг т) **ошган**.

Ўсимлик ёғи импорти сентябрь ойида **38 минг тонна** (31 млн долл.), август ойига нисбатан **13 фоизга** (5,5 минг т) **камайган**.

Импортнинг 100 фоиз Қозоғистон (77 % ёки 23 минг т) ва Россия (23 % ёки 7 минг т) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, сентябрь ойида **3 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, август ойига нисбатан **0,5 фоизга** (20 т) **камайган**.

Дизель ёқилғиси. Товар хом ашё биржасида дизель ёқилғиси ўртача нархи сентябрь ойида **1 тонна** учун **13 028 минг сўми** ташкил қилиб, август ойига нисбатан **2 фоизга** (323 минг сўм/т) камайган, йил бошига нисбатан **2 фоизга** (294 минг сўм/т) **ошган**.

Дизель ёқилғиси истеъмоли 2025 йил сентябрь ойида **113 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил август ойига нисбатан **26 фоиз** (40 минг т)га **камайган**.

Истеъмолнинг **73 фоизи** (84 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **27 фоизи** (31 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Сентябрь ойида **84 минг тонна** дизель ёқилғиси ишлаб чиқарилиб, август ойига нисбатан **19 фоизга** (20 минг т) **камайган**.

Дизель ёқилғиси импорти сентябрь ойида **31 минг тоннани** (29 млн долл.) ташкил қилиб, август ойига нисбатан **44 фоиз** (24 минг т) [камайган](#).

Импортнинг **97 фоизи** ёки **36 минг тонна** Россия давлатига тўғри келган.

Ўз навбатида, сентябрь ойида **1,6 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, август ойига нисбатан **70 фоиз** (4 минг т) [камайган](#).

Суюлтирилган газ. Товар хом ашё биржасида суюлтирилган газ ўртача нархи сентябрь ойида **1 тонна** учун **6 713 минг сўмни** ташкил қилиб, август ойига нисбатан **0,1 фоизга** (10 минг сўм/т) камайган, йил бошига нисбатан **0,2 фоизга** (16 минг сўм/т) [ошган](#).

Суюлтирилган газ истеъмоли 2025 йил сентябрь ойида **82 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил август ойига нисбатан **8 фоизга** (8 минг т) [камайган](#).

Истеъмолнинг **87 фоизи** (71 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **13 фоизи** (11 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Сентябрь ойида **71 минг тонна** суюлтирилган газ ишлаб чиқарилиб, август ойига нисбатан **3 фоизга** (2 минг т) [камайган](#).

Суюлтирилган газ импорти сентябрь ойида **11 минг тонна** (4,3 млн долл.), август ойига нисбатан **35 фоизга** (6 минг т) [камайган](#).

Импорт 96 фоизи Россия (73 % ёки 8 минг т) ва Қозоғистон (23 % ёки 3 минг т) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

Ўз навбатида, август-сентябрь ойларида экспорт амалга оширилмаган.

Буғдой. Товар хом ашё биржасида буғдой ўртача нархи сентябрь ойида **1 тонна** учун **2 644 минг сўмни** ташкил қилиб, август ойига нисбатан **5 фоизга** (120 минг сўм/т), йил бошига нисбатан **10 фоизга** (237 минг сўм/т) [ошган](#).

Буғдой истеъмоли 2025 йил сентябрь ойида **676 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил август ойига нисбатан **8 фоизга** (49 минг т) [ошган](#).

Истеъмолнинг **57 фоизи** (386 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **43 фоизи** (292 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Сентябрь ойида **386 минг тонна** буғдой ишлаб чиқарилиб, август ойига нисбатан ўзгармаган.

Буғдой импорти сентябрь ойида **292 минг тонна** (58 млн долл.), август ойига нисбатан **21 фоизга** (50 минг т) [ошган](#).

Импорт 100 фоиз Қозоғистон давлати ҳиссасига тўғри келган.

Ўз навбатида, сентябрь ойида экспорт амалга оширилмаган.

Енгил автомобиллар. Енгил автомобиллар истеъмоли 2025 йил сентябрь ойида **55 664 донани** ташкил этиб, 2025 йил август ойига нисбатан **19 фоизга** (12 956 дона) [камайган](#).

Истеъмолнинг **63 фоизи** (35 327 дона) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **37 фоизи** (20 348 дона) импорт ҳисобига қопланган.

Сентябрь ойида **35 327 дона** енгил автомобиллар ишлаб чиқарилиб, август ойига нисбатан **40 фоизга** (23 399 дона) [камайган](#).

Енгил автомобиллар импорти сентябрь ойида **20 348 дона** (166 млн долл.) ташкил этиб, август ойига нисбатан **1 бар.** га (10 424 дона) [ошган](#).

Импортнинг 90 фоизи Хитой давлатига тўғри келган.

Ўз навбатида, сентябрь ойида **11 дона** автомобиль экспортга йўналтирилиб, август ойига нисбатан **63 фоизга** (19 дона) [камайган](#).

Тижорат техникалари. Тижорат техникалари истеъмоли 2025 йил сентябрь ойида **266 донани** ташкил этиб, 2025 йил август ойига нисбатан **57 фоизга** (349 дона) [камайган](#).

Истеъмолнинг **70 фоизи** (186 дона) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **30 фоизи** (81 дона) импорт ҳисобига қопланган.

Сентябрь ойида **186 дона** тижорат техникалари ишлаб чиқарилиб, август ойига нисбатан **65 фоиз** (346 дона) **камайган**.

Тижораттехникалариимпортисентябрь ойида **81 дона** (8,1 млн долл.), август ойига нисбатан **4 фоизга** (3 дона) **камайган**.

Импортнинг 94 фоизи Хитой давлатига тўғри келган.


Ўз навбатида, сентябрь ойида **1 дона** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, август ойида нисбатан **1 бар.** га **ошган**.

ТОВАР ВА МАҲСУЛОТЛАР

БИРЖА НАРХЛАРИ


ТЕХНИК ОЛТИНГУГУРТ

(минг т)




РУХ

(минг т)




СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ

(минг т)




МИС

(минг т)




БЕНЗИН

(минг т) (Аи-92)




ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛҒИСИ

(минг т)




ПВХ

(минг т)




ПОЛИПРОПИЛЕН

(минг т)




КАРБАМИД

(минг т)




АММИАКЛИ СЕЛИТРА

(минг т)




БУҒДОЙ

(ун ишлаб чиқариш) (минг т)



ПОЛИЭТИЛЕН

(минг т)




БОЗОРИНИНГ КОНЪЮКТУРАСИ

БОЗОР НАРХЛАРИ


АРМАТУРА

(минг т)




СУЛЬФАТ КИСЛОТАСИ

(минг т)




ЎСИМЛИК ЁҒИ

(минг т)




ГУРУЧ

(минг т)




ЦЕМЕНТ

(минг т)




ЛИСТЛИ ПРОКАТ

(минг т)




ҚУРИЛИШ ОЙНАСИ

(минг м²)




ШАКАР

(Оқ) (минг т)




ИП КАЛАВА

(минг т)




ЕНГИЛ АВТОБИЛЛАР

(минг дона)



ТИЖОРАТ ТЕХНИКАЛАРИ

(Махсус автотранспорт) (дона)



АСОСИЙ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ ҚИСҚА ШАРҲИ

I. Ижобий кўрсаткичлар

Нарх-наво. 2024 йилда ўтган ҳисобот даврига нисбатан **23 турдаги** маҳсулотлардан **9 тасида**, 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида эса 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **3 тасида** нархлар [пасайган](#).

Жумладан, 2024 йилда **9 турдаги** маҳсулотда, техник олтингургурт **31,7 фоиз** (108 минг сўм/т), қурилиш ойнаси **18,8 фоиз** (15 минг сўм/м²), цемент **11,8 фоиз** (104 минг сўм/т), буғдой (ун ишлаб чиқариш) **10,8 фоиз** (315 минг сўм/т), ўсимлик ёғи **5,2 фоиз** (1 минг сўм/т), полиэтилен **4,6 фоиз** (780 минг сўм/т), аммиакли селитра **4,1 фоиз** (117 минг сўм/т), ПВХ **3,1 фоиз** (356 минг сўм/т), полипропилен **1,8 фоиз** (300 минг сўм/т).

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида **3 турдаги** маҳсулотда, асосан, Шакар **4 фоиз** (600 сўм/кг), Буғдой **2 фоиз** (100 сўм/кг), Полиэтилен **0,1 фоиз** (20,6 минг сўм/т) нархлар [пасайган](#).

Ишлаб чиқариш. 2024 йилда **23 турдаги** маҳсулотлардан **13 тасида**, 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида 2024 йил мос даврига нисбатан **10 тасида** ишлаб чиқариш ҳажми ошган, **1 тасида** ишлаб чиқариш ҳажми [ўзгармаган](#).

Жумладан, 2024 йилда **13 турдаги** маҳсулотда, асосан, тижорат техникалари **21 фоиз** (993 дона), гуруч **19 фоиз** (44 минг т), цемент **15 фоиз** (2,8 млн т), карбамид **11 фоиз** (108 минг т), пвх **7 фоиз** (3 минг т), сульфат кислотаси **7 фоиз** (106 минг т), ип калава **4 фоиз** (39 минг т), ўсимлик ёғи **3 фоиз** (9 минг т), листли прокат **2 фоиз** (3 минг т), буғдой **2 фоиз** (79 минг т), қурилиш ойнаси **2 фоиз** (0,8 млн м²), енгил автомобиль **1,6 фоиз** (7 минг дона), суюлтирилган газ **0,3 фоиз** (3 минг т).

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида **10 та** маҳсулотда, асосан, листли прокат **1 бар**. (100 минг т), қурилиш ойнаси **56 фоиз** (10,9 млн м²), цемент **28 фоиз** (3,9 млн т), сульфат кислотаси **21 фоиз** (261 минг т), Тижорат техникалари **20 фоиз** (613 дона), енгил автомобиллар **12 фоиз** (35 минг дона), ўсимлик ёғи **9 фоиз** (22 минг т), гуруч **8 фоиз** (14 минг т), буғдой **7 фоиз** (227 минг т), мис **4 фоиз** (4 минг т) ишлаб чиқариш ҳажми ошган, Шунингдек, карбамид (826 минг т) маҳсулотида ишлаб чиқариш ҳажмлари [ўзгармаган](#).

Экспорт. 2024 йилда 2023 йилга нисбатан **11 та**, 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида 2024 йил мос даврига нисбатан **11 та** маҳсулотда экспорт [ошган](#).

Жумладан, 2024 йилда **11 та** маҳсулотда, асосан, цемент **57 бар**. (445 минг т), гуруч **1,8 бар**. (1,1 минг т), листли прокат **1,8 бар**. (71 минг т), қурилиш ойнаси **1,8 бар**. (1,7 млн м²), ўсимлик ёғи **1,6 бар**. (7,5 минг т), бензин **1,4 бар**. (155 минг т), полипропилен **1,4 бар**. (71 минг т), аммиакли селитра **38 фоиз** (93 минг т), карбамид **29 фоиз** (156 минг т), ип калава **9 фоиз** (38 минг т), Техник олтингургурт **2 фоиз** (2 минг т).

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида **11 та** маҳсулот асосан, дизель ёқилғиси **48 бар**. (11 минг т), гуруч **10 бар**. (11 минг т), тижорат техникалари **5 бар**. (14 дона), техник олтингургурт **4 бар**. (189 минг т), цемент **4 бар**. (795 минг т), буғдой **3 бар**. (13 минг т), ўсимлик ёғи **2 бар**. (17 минг т), аммиакли селитра **2 бар**. (91 минг т), қурилиш ойнаси **20 фоиз** (510 минг м²), карбамид **13 фоиз** (26 минг т), листли прокат **7 фоиз** (9 минг т).

Импорт. 2024 йилда 2023 йилга нисбатан **11 та**, 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида 2024 йил мос даврига нисбатан **4 тасида** импорт камайган. Шунингдек, мис маҳсулоти импорти тўхтаган.

Жумладан, 2024 йилда **11 та** маҳсулотда, асосан аммиакли селитра **2 бар.** (9 минг т), тижорат техникалари **1,8 бар.** (1 344 дона), гуруч **1,6 бар.** (70 минг т), цемент **1,5 бар.** (969 минг т), енгил автомобиллар **26 фоиз** (21 минг дона), пвх **25 фоиз** (70 минг

т), арматура **20 фоиз** (53 минг т), дизель ёқилғиси **20 фоиз** (29 минг т), полипропилен **16 фоиз** (24 минг т), буғдой **16 фоиз** (582 минг т), ўсимлик ёғи **4 фоиз** (11 минг т).

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида **4 та** маҳсулотда, асосан, цемент **88 фоиз** (548 минг т), гуруч **68 фоиз** (21 минг т), рух **61 фоиз** (400 т), шакар **17 фоиз** (96 минг т) импорти камайган. Шунингдек, мис импорти тўхтаган.

II. Салбий кўрсаткичлар

Нарх-наво. 2024 йилда ўтган ҳисобот даврига нисбатан **23 турдаги** маҳсулотлардан **11 тасида**, 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида эса 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **17 тасида** нархлар **ошган**.

Жумладан, 2024 йилда **11 турдаги** маҳсулотлар, асосан, сульфат кислотаси **22 фоиз** (187 минг сўм/т), суюлтирилган газ **19 фоиз** (1 млн сўм/т), мис **17 фоиз** (18,5 млн сўм/т), дизель ёқилғиси **16 фоиз** (1,8 млн сўм/т), рух **14 фоиз** (4,6 млн сўм/т), карбамид **12 фоиз** (406 минг сўм/т), гуруч **11 фоиз** (2 минг сўм/т), арматура **7 фоиз** (600 минг сўм/т), шакар **5 фоиз** (0,7 минг сўм/т), листли прокат **2,3 фоиз** (257 минг сўм/т), бензин **0,3 фоиз** (36 минг сўм/т).

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида **17 та** маҳсулотда, асосан, техник олтингугурт **3 бар.** (617 минг сўм/т), сульфат кислотаси **21 фоиз** (261 минг сўм/т), ўсимлик ёғи **14 фоиз** (2,6 минг сўм/кг), арматура **10 фоиз** (886 минг сўм/т), листли прокат **9 фоиз** (740 минг сўм/т), цемент **8 фоиз** (42 минг сўм/т), рух **8 фоиз** (2 700 минг сўм/т), бензин **7 фоиз** (804 минг сўм/т), мис **7 фоиз** (8 376 минг сўм/т), ПВХ **4 фоиз** (418 минг сўм/т), қурилиш ойнаси **3 фоиз** (2000 сўм/м²), суюлтирилган газ **3 фоиз** (168 минг сўм/т), аммиакли селитра **3 фоиз** (70 минг сўм/т), полипропилен **2 фоиз** (345 минг сўм/т), карбамид **1 фоиз** (52 минг сўм/т), гуруч **1 фоиз** (200 сўм/кг), дизель ёқилғиси **1 фоиз** (130 минг сўм/т).

Ишлаб чиқариш. 2024 йилда **23 турдаги** маҳсулотлардан **10 тасида**, 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида **12 тасида** ишлаб чиқариш **камайган**.

Жумладан, 2024 йилда **10 турдаги** маҳсулотларда, асосан, шакар **21 фоиз** (125 минг т), рух **11 фоиз** (8,5 минг т), арматура **10 фоиз** (97 минг т), мис **7,5 фоиз** (11 минг т), дизель ёқилғиси **5,6 фоиз** (57 минг т), полипропилен **5 фоиз** (4 минг т), бензин **4,5 фоиз** (60 минг т), полиэтилен **4 фоиз** (17 минг т), аммиакли селитра **3 фоиз** (49 минг т), техник олтингугурт **0,1 фоиз** (200 т).

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида **12 та** маҳсулотда, асосан, шакар **47 фоиз** (180 минг т), арматура **27 фоиз** (93 минг т), полипропилен **12 фоиз** (7 минг т), бензин **12 фоиз** (115 минг т), пвх **10 фоиз** (3,4 минг т), полиэтилен **9 фоиз** (27 минг т), рух **7 фоиз** (3,4 минг т), техник олтингугурт **5 фоиз** (20,5 минг т), дизель ёқилғиси **1,5 фоиз** (12 минг т), суюлтирилган газ **1 фоиз** (7,5 минг т), ип калава **1 фоиз** (6,8 минг т), аммиакли селитра **0,3 фоиз** (3 минг т).

Экспорт. 23 турдаги маҳсулотлардан 2024 йилда **12 та**, 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида **10 тасида** экспорт **камайган**.

Жумладан, 2024 йилда **12 та** маҳсулотда, асосан, сульфат кислотаси **100 фоиз** экспорт тўхтаган, шакар **2 бар.** (2 минг т), дизель ёқилғиси **1,9 бар.** (14,6 минг т), арматура **1,7 бар.** (18,8 минг т), суюлтирилган газ **1,5 бар.** (8,9 минг т), енгил автомобиль **40 фоиз** (130 дона), буғдой **36 фоиз** (10 минг т), ПВХ **30 фоиз** (1 минг т), рух **23 фоиз** (12,1 минг т), полиэтилен **8 фоиз** (20 т), тижорат техникалари **6 фоиз** (1 дона), мис **4 фоиз** (2,2 минг т).

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида **10 та** маҳсулотда, асосан, суюлтирилган газ **96 фоиз** (6,7 минг т), арматура **82 фоиз** (6 минг т), полипропилен **55 фоиз** (3 минг т), ип калава **50 фоиз** (186 минг т), пвх **46 фоиз** (600 т), енгил автомобиллар **16 фоиз** (30 дона), мис **14 фоиз** (6 минг т), полиэтилен **7 фоиз** (10 т), бензин **5 фоиз** (10 минг т) рух **1 фоиз** (100 т) га камайган, Шунингдек, сульфат кислотаси ва Шакар экспорти тулиқ тўхтаган.

Импорт. 2024 йилда 2023 йилга нисбатан **11 та**, 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида ўтган ҳисобот даврига нисбатан **18 та** маҳсулотда импорт **ошган**.

Жумладан, 2024 йилда **11 та** маҳсулотда, асосан, суюлтирилган газ **5 бар.** (101 минг т), техник олтингугурт **3 бар.** (0,1 минг т), карбамид **1,8 бар.** (0,2 минг т), сульфат кислотаси **1,6 бар.** (40 т), шакар **1,5 бар.** (49,7 минг т), рух **1,4 бар.** (0,4 минг т), бензин **37 фоиз** (153 минг т), полиэтилен **19 фоиз** (10 минг т), ип калава **17 фоиз** (0,6 минг т), қурилиш ойнаси **8 фоиз** (628 минг м²), листли прокат **4 фоиз** (51,7 минг т).

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида **18 та** маҳсулотда, асосан техник олтингугурт **36 бар.** (28 минг т), аммиакли селитра **15 бар.** (1,4 минг т), дизель ёқилғиси **4 бар.** (231 минг т), арматура **4 бар.** (404 минг т), сульфат кислотаси **4 бар.** (3 т), тижорат техникалари **2 бар.** (368 дона), пвх **1 бар.** (53 минг т), полипропилен **1 бар.** (63 минг т), суюлтирилган газ **53 фоиз** (35 минг т), полиэтилен **45 фоиз** (21 минг т), ўсимлик ёғи **43 фоиз** (90 т), карбамид **43 фоиз** (100 т), листли прокат **38 фоиз** (409 минг т), ип калава **32 фоиз** (1 минг т), буғдой **22 фоиз** (466 минг т), қурилиш ойнаси **22 фоиз** (1,2 млн м²), бензин **15 фоиз** (79 минг т), енгил автомобиллар **3 фоиз** (2 минг дона).

Тармоқ бозорлари ва ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги тадқиқотлари маркази

Электрон манзил

Веб саҳифа: www.lprc.uz

Эл. почта: lprcuzbekistan@imv.uz

t.me/Tadqiqotlarmarkazi

Манзил

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар,
Чилонзор кўчаси, 4-уй.

(+998) 71 230-70-12

(+998) 71 230-70-14

(+998) 71 230-70-16

